Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 66-67 (517-518) 2021 йил 17 август, сешанба

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI



## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## Шу куннинг гаплари

Ҳиндистон давлати сармояси иштирокида Наманганда айни пайтда **11** та қўшма корхона фаолият юритяпти. Жорий йилда яна **4** та лойиҳа доирасида инвестициялар киритилиши кутиляпти.

**Мустақилликнинг 30 йиллиги арафасида**

Фарғона шаҳрида "Кўп қаватли уйлар ва иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК томонидан **23** та болалар майдончаси қуриб берилди.

2021 йилнинг ўтган даврида Андижоннинг Марҳамат туманида "Ёшлар дафтари"га киритилган **1 694** нафар ёшлар доимий ишга жойлаштирилди.

Амударё туманидаги Қипчоқ шаҳарчасида лойиҳа қиймати **3,5 млрд** сўмлик янги масжид биноси қурила бошлади.

Ёшлар ишлари агентлиги ташаббусига кўра, Урганч шаҳридаги А. Темур номидаги истироҳат боғида **1 000 кв. м** майдонда жисмоний машқлар бажариш учун "Street workout" майдони қуриляпти.

## ПРЕЗИДЕНТ МУФТИЙ ОИЛАСИГА ТАЪЗИЯ БИЛДИРДИ

Халқимиз оғир жудоликка учради. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов 15 август куни хасталик туфайли вафот этди.

Президент Шавкат Мирзиёев таъзияли хонадонга ташриф буюриб, марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.

Усмонхон Алимов 1950 йил 1 январда Самарқанд вилояти Иштихон туманида туғилган. Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасида, Тошкент ислом институтида, Марокаш давлатининг Қаравиййин университетида таҳсил олиб, ислом дини асосларини, араб ва форс тилларини чуқур ўрганган.

У 1980-2006 йилларда Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги Имом Бухорий масжидида имом ноиби, имом-хатиб вазифаларида ишлаган. 2000-2006 йилларда Самарқанд вилояти бош имом-хатиби бўлган.

Усмонхон Алимов 2006 йилдан буён Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий сифатида фаолият юритиб келаётган эди. Бой билим ва тажрибасини эзгу амалларга сафарбар этди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи, ҳамдардлик сўзлари оғир жудоликка учраган кўнгилларга таскин бўлди.

Марҳумнинг ҳақига дуо қилинди.

Президентимиз муфтийнинг эзгу ишларини ёдга олди.

– Ҳаммамиз учун катта йўқотиш бўлди. Улуғ инсон эдилар. Билими, меҳнатсеварлиги, камтаринлиги билан элимизда обрў топган эдилар. Бу бало бутун дунёга азоб олиб келди, қанча йўқотишлар бўлаяпти. Қўлимиздан келган ҳамма ҳаракатни қилдик. Лекин Аллоҳнинг иродаси экан. Илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин. У кишини яхши ном билан эслаб, ишларини давом эттириб, руҳларини шод қилайлик, – деди Шавкат Мирзиёев.

**ЎзА.**

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШИГА РАСМАН РУХСАТ БЕРИЛДИ

**Нурилло НАСРИЕВ,**
ЎзА мухбири.

**Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Комиссия Раиси З. Низомхўжаев олиб борди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлаш, сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат бериш ва оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

– Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча ишлар Сайлов кодексига қатъий риоя қилинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича календарь режасига мувофиқ амалга оширилмоқда, – деди Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низомхўжаев.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига мувофиқ, округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан сайлов округлари тузилганидан сўнг уч кун ичида Марказий сайлов комиссиясига тавсия этилди. Сайлов кодексида округ сайлов комиссияси аъзолари сони 21 нафаргача бўлиши белгиланган.

Сайлов кодексининг 21-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва комиссиянинг саккиз нафардан – ўн саккиз нафаргача бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилиши лозим.

Йиғилишда барча округ сайлов комиссияларига тавсия этилган номзодлар ўрганиб чиқилиб, тасдиқланди.

Марказий сайлов комиссияси котибият раҳбари Худоёр Маматовнинг қайд этишича, айни пайтда 14 та сайлов округидаги сайлов комиссияси аъзолари сони 266 нафарни, улардан 104 нафарини аёллар, 14 нафарини ногиронлиги бор шахслар ташкил этмоқда. Мутахассислиги бўйича олганда, 32 нафари ҳуқуқшунос, 21 нафари шифокор, 26 нафари муҳандис, 90 нафари педагог, 41 нафари иқтисодчи, 11 нафари журналист ва 45 нафари бошқа соҳа вакилларидан иборат. Бу йилги Президент сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари таркибида 31 ёшгача бўлган 23 нафар йигит-қиз бор. 41 ёшгача бўлган навқирон авлод вакиллари эса 77 нафарни ташкил этади.

Округ сайлов комиссиялари зиммасига – ўз ҳудудларида Сайлов кодексининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш, сайлов участкаларини тузиш, уларнинг тартиб рақамини белгилаш ва манзилини кўрсатган ҳолда рўйхатини эълон қилиш, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, сайлов участкаларининг жойлашган ери ҳақида сайловчиларни хабардор қилиш, участка сайлов комиссияларини тузиш, таркибини тасдиқлаш ва бу ҳақдаги маълумотларни эълон қилиш, номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этиш учун тенг шароитларни таъминлаш каби вазифалар юклатилган.

2-бет







## МЕҲРИБОНЛИК УЙИ янги қиёфа касб этди

**Оқилхон ДАДАБОЕВ,**
ЎзА мухбири.

**Наманган шаҳрининг Янги Наманган туманида жойлашган 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари энг улуғ, энг азиз айём – Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамини зўр шоду ҳуррамлик билан кутиб оладиган бўлди.**

Меҳрибонлик масканининг капитал реконструкциядан чиқарилгани муносабати билан ташкил этилган тадбир чинакам байрамга, айниқса, болажонлар учун унутилмас шодиёнага айланди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосари Гулнора Маърупова, Наманган вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шавкат Абдураззоқов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник Зафаржон Абдуллаев меҳрибонлик масканида давлатимиз раҳбари топшириқлари асосида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари меҳрга ташна болаларнинг Янги Ўзбекистонда яхши шароитларда ҳаёт кечириб, комил инсон сифатида вояга етишларига қаратилганлигини таъкидлади.

Меҳрибонлик уйи жамоасига мустақиллигимизнинг 30 йиллигига яна бир туҳфа сифатида, Президент совғаси – "Нексия-3" автомашинаси калити топширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 18-19 февраль кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида мазкур Меҳрибонлик уйига келиб, унинг моддий-техник базасини жаҳон стандартлари талаблари даражасига чиқариш, педагогик жамоа ва тарбияланувчилар қалбида ёруғ келажакка бўлган ишончни янада ошириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Меҳрибонлик масканида ўтган қисқа давр ичида Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси буюртмачилигида пудратчи "Касаба қурилиш таъмирлаш" шўъба корхонаси, "Story Aliance Servis" масъулияти чекланган жамияти томонидан 8 миллиард сўмлик реконструкция ишлари бажарилди.

Лойиҳа асосида ҳududдаги 6,5 минг квадратдан ошиқроқ йўл асфальтланди, 76 ўринли турар жой, спорт зали, 80 ўринли ошхона, ёпиқ бассейн, замонавий спорт зали таъмирланди. 10 турдаги ўқув ва тўгарак хоналари, тиббиёт бўлими замонавий буюмлар, айниқса, замонавий электрон ўқув техника воситалари билан жиҳозланди. Мавжуд бино қайта таъмирланиб, кўркам кўринишга келтирилди. 19×24 ўлчамдаги болалар спорт майдончаси янгидан барпо этилди. Объектнинг барча майдони ободонлаштирилди.

– Давлатимиз раҳбарининг Меҳрибонлик уйига ташрифи биз учун янгича ҳаёт нафасини олиб кирди, – дейди 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Мадина Камолиддинова. – Ҳаётга бўлган қарашимиз буткул ўзгарди. Президентимиз биз, тарбияланувчилар билан мулоқотда масканимизни тубдан янгилаб, муносиб шарт-шароитларни яратишга ваъда берганди. Бунёдкорлик ва ободончилик ишлари натижасида холис ниятли сўзлар амалда ўз ифодасини топди. Маскандаги информатика, математика, хорижий тилларни ўргатишга мўлжалланган ўқув-машғулотлар хоналари барча зарур жиҳозлар, хусусан, интернетга уланган электрон доскалар, юмшоқ стуллар, мебеллар билан таъминланди.

2003 йилда ташкил топган 26-Меҳрибонлик уйида бугунги кунда 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 40 нафар етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбияланмоқда. Икки нафар қиз муддатидан аввал олий ўқув юртлари талабаси бўлди.

Муассаса давлатимиз раҳбарининг таклифи асосида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тасарруфига ўтказилди. Айни пайтда Миллий гвардиянинг Наманган вилояти бўйича бошқармаси томонидан ушбу муассасага бир нафар офицер ва тўрт нафар психолог бириктирилди. Қўл жанги, кураш, дзюдо, теннис, сузиш, футбол, шахмат-шашка, от спорти каби спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, чақириққача ёшларни тайёрлаш, муҳандислик тайёргарлик, тоғ тайёргарлиги, жанговар техникаларни ўрганиш бўйича машғулотлар ўтказилиб, болаларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари йўлга қўйилди.

## ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?



**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида республикадаги қурилиш-пудрат ташкилотларининг II чорак якуни бўйича электрон рейтинги янгиланди. Хўш, ташкилотларнинг рейтинги қандай аниқланади?**

Юқоридаги қарорга асосан, қурилиш-пудрат ташкилотларининг салоҳияти 70 та кўрсаткич ва 6 та мезон асосида баҳоланади. Шунингдек, рейтингда ташкилотнинг молиявий кўрсаткичлари, бажарилган ишлар сифати, мутахассислар сони, билими ва иш тажрибаси, техник базаси, рақобатбардошлиги ҳамда бошқа кўрсаткичлари инобатга олинади.

2-бет

## Қонунчиликни билинг

### Шаҳарсозлик кодексининг 42-моддаси нима ҳақида?



**42-модда.** Аҳоли пунктининг тасдиқланган бош режасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш

Аҳоли пунктининг тасдиқланган бош режасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифлар эксперт баҳолаш натижалари олинганидан кейин ўн беш кунлик муддатда буюртмачилар томонидан аризачи ёки унинг ваколатли вакили иштирокида кўриб чиқилади.

Аҳоли пунктининг тасдиқланган бош режасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни эксперт баҳолаш буюртмачи маблағлари ҳисобидан тегишли ташкилотларни жалб этган ҳолда ўтказилади.

Аҳоли пунктининг тасдиқланган бош режасига ўзгартиришлар киритиш ишлаб чиқувчи томонидан буюртмачининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

# СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШИГА РАСМАН РУХСАТ БЕРИЛДИ

1-бет

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 16, 63-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Экология партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат беришни сўраб тақдим қилган ҳужжатларини кўриб чиқиб, мазкур партияларга 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши учун ижозат берди.

Энди сиёсий партиялар Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб ариза билан мурожаат қила олади.

Бунда улар томонидан сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими, иш ва яшаш жойи, партиявийлиги кўрсатилган баённомаси, номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари ҳам топширилади. Мазкур имзо варақаларида Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг камида бир фоизининг имзоси бўлиши керак.

Мажлисда шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакилларининг аккредитацияси тўғрисидаги қарор лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Айтиш жоизки, Марказий сайлов комиссияси оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик, сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалаларига доимо алоҳида эътибор қаратиб келади. Сайловлар даврида журналистларга ўз фаолиятларини амалга ошириши учун янада қулай шароитларни яратиш мақсадида уларни аккредитациядан ўтказиш давом этмоқда.

Ҳозирги пайтда Марказий сайлов комиссиясига аккредитациядан ўтказишни сўраб кўплаб оммавий ахборот воситаларидан мурожаатлар келмоқда. Шу кунгача 700 нафардан зиёд ОАВ вакиллари аккредитациядан ўтказилди.

Мажлис сўнгида кун тартибига киритилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида мазкур сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат бериш тўғрисидаги гувоҳномалар ҳамда белгиланган миқдорда имзо варақаларининг бланкалари топширилди. Шу билан бирга, аккредитациядан ўтган журналистларга ҳам тегишли тартибдаги гувоҳномалар берилди.

# Камчиликлар ҳамкорликда тугатиляпти

**Қувонишбек ХУДОЙБЕРГЕНОВ,**
Янгийўл шаҳар ФВБ бошлиғи.

**Юртимизнинг барча ҳудудлари сингари Янгийўл шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Саноатлашган шаҳарда тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли кичик корхоналар кўпайиб, иш ўринлари яратиляпти. Шаҳар ҳудудида ўнлаб кўп қаватли турар жойлар қад ростлади ва айни пайтда юзлаб эҳтиёжмандлар янги уйларга кўчиб киришмоқда.**

Президентимизнинг 2020 йил 28 декабрдаги “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4936-сонли қарорига асосан шаҳарда қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари янада жадаллашди.



Шу кунларда ҳам муҳтож ва уй-жойга эҳтиёжманд кишиларни турар жой билан таъминлаш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг 2021 йил манзилли дастурига асосан шаҳар ҳудудида кўп қаватли бинолар қурилиши олиб борилмоқда. Уларнинг аксарияти юртимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами кунларида ўз эгаларига топширилади.

Қад ростлаётган объектлар ҳар томонлама талаб даражасида бўлиши, хусусан, ёнғинлар келиб чиқмаслиги учун ёнғин хавфсизлиги ходимлари ҳам масъулдир. Масалага шу томонлама ёндошиб, ўрганиб чиқишлар жараёнида қурилиш объектларининг айримларида бир нечта камчиликлар аниқланди. Жумладан, шаҳардаги 2-сонли МТТ биносида йил бошидан капитал таъмирлаш ишлари олиб борилаётган бўлиб, объектни ўрганиш жараёнида ишчи-ходимлар томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмасдан қурилиш ишларини бажараётгани аниқланди ва уларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, ушбу объектнинг бош пудратчилари билан биргаликда бино учун ишлаб чиқилган лойиҳа ўрганилганда бир қатор камчиликлар аниқланди. Масалан, бино ҳудудидига ер ости сув олгич (гидрант)лар лойиҳага киритилмаган. Улар бинонинг мустаҳкамлигини таъминлашда жуда муҳим. Шу боис пудратчиларга уни барпо этиш таклифи берилди. Шаҳар ҳудудидаги 5-сонли мактаб биносида “Golden stroy M” МЧЖ қурилиш ташкилоти капитал таъмирлаш ишларини олиб боряпти. Мазкур объектда ҳам шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан бир неча бор профилактик тадбирлар ўтказилиб, қурилиш меъёрларига тўла амал қилиш ҳамда ҳудудда сув ҳовузларини барпо этиш бўйича таклифлар берилди. Янги бунёд этилаётган объектларда профилактик тадбирлар ўтказиш ҳамда пудратчилар билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйишдан кўзланган мақсад, кейинги босқичда камчиликлар келиб чиқмаслигига эътиборни кучайтиришдан иборатдир.

# ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

1-бет

Мазкур рейтинглар Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тақдим қилинган, жумладан, ташкилотда малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар, тўланган солиқлар ва иш ҳақи тўғрисидаги электрон маълумотлар асосида шакллантирилади. Шу билан бирга, рейтингга Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан қурилиши тугалланган объектлар ҳажми, шаҳарсозлик қонунчилигини бузиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ахборотлар ҳам жойлаштирилади.

Рейтинг ҳисобини юритишда маълумотларнинг объективлиги, ҳаққонийлиги ва шаффофлигига алоҳида эътибор қаратилади.

– Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг рейтинг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган меъёрий ҳужжатлар асосида юритилиши белгилаб қўйилган, – деди вазирлик бошқарма бошлиғи Таир Алиматов. – Айтиш жоизки, аввал-лари қурилиш-пудрат ташкилотларининг рейтинги умумий ҳисобда, яъни ташкилотнинг ихтисослашувига боғлиқ бўлмаган ҳолда баҳоланар эди. Жорий йилнинг дастлабки давридан бошлаб рейтинг кўрсаткичлари вазирликнинг тегишли буйруқларига асосан Давлат статистика қўмитаси маълумотларига мувофиқ ҳолда ташкилотларнинг ихтисослашувига кўра, баҳоланадиган бўлди.

Ҳозирда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини юритиш дастури “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими билан интеграцияланган бўлиб, унга киритиладиган маълумотлар барча учун очиқ. Истаган киши ушбу порталга кириб, ташкилотнинг 9 хонадан иборат СТИР рақамини киритган ҳолда рейтинг натижалари билан танишиши мумкин. Маълумотларга асосан ҳозирда рейтингга киритилган 44 489 та қурилиш-пудрат ташкилотлари юқори (А) ва ўрта (В) кўрсаткичга ажратилган. Ушбу рейтинг кўрсаткичлари учун балларни ҳисоблаш эса қуйидагича амалга оширилади:

тегишли рейтинг кўрсаткичи бўйича энг юқори кўрсаткичга эга қурилиш-пудрат ташкилотлари аниқланади;

ҳар бир мезон балли кўрсаткич баллар йиғиндисидан ташкил топади;

ҳар бир мезон бўйича ҳисобланган баллар йиғиндиси қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини белгилайди.

Ҳозирги кунда қурилиш-пудрат ташкилотлари ихтисослашувидан келиб чиқиб 5 та тоифага ажратилади:

1) автомобиль йўллари, кўприклар, йўл ўтказгичлар ва темир йўллар қурилиши;

2) ижтимоий объектлар қурилиши;

3) муҳандислик тармоқлари қурилиши;

4) ирригация ва мелиорация объектлари қурилиши;

5) нефть ва газ саноати қурилишига бўлиниши ҳамда ҳар бир тоифа объектлари қурилишида қатнашувчи қурилиш-пудрат ташкилотларининг ИФУТ (иқтисодий фаолият умуммиллий таснифи) коди шунга мутаносиб бўлиши керак.

Ушбу рейтингнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинги баҳоси “А” ва “В” даражасидаги ишончлилик тоифасига мансуб бўлган тақдирда, объект фойдаланишга топширилгандан сўнг буюртмачи томонидан кафолат муддати инобатга олинмасдан объект қийматининг 5 фоизи миқдоридаги маблағ қурилиш-пудрат ташкилотига тўлиқ тўлаб берилади.

# Чортоқда микроГЭСлар қурилди

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кейинги йилларда Наманган вилояти электр қувватини истеъмол қилиш билан бирга уни ишлаб чиқариш бўйича ҳам қувватларга эга бўлиб бормоқда. Бу эса иқтисодиётнинг турли тармоқларини жадал ривожлантириш, аҳоли ва коммунал соҳа эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш имконини ҳам бермоқда.**

Масалан, 2019 йилда Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси ишга туширилган эди. У бутун Фарғона водийси истеъмолчиларининг “оғирини енгил қилиш”га кўмаклашмоқда. 900 МВт қувватга эга мазкур ИЭСга энг замонавий турбиналар ўрнатилган. Станциянинг экологияга салбий таъсири деярли йўқ. Ушбу иншоотни ишга тушириш учун 1 миллиард 195 миллион АҚШ доллари сарфланди.

Катта Фарғона каналининг Учқўрғон туманидан оқиб ўтувчи қисмида қурилган кичик ГЭСлар каскади ишга тушганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Бу иншоот вилоятда йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини 72,89 млн киловатт-соатга ошириш имконини берди. Натижада туманни узлуксиз экологик тоза ва қайта тикланувчи электр энергияси билан тўлиқ таъминлаш мумкин бўлди. Лойиҳанинг умумий қиймати 31 млн АҚШ долларини ташкил этди.

Шунингдек, Поп тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Оҳангарон дарёси тизимида ҳам Қамчиқ гидроэлектр станцияси ишга туширилган. Унинг қуввати 26,5 мегаваттга тенг.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда эса Чортоқ туманида ҳам микроГЭСлар каскади ишга туширилди. Ушбу иншоот Қорабоғ қишлоғи яқинида қад кўтарди. Тўғри, унинг қуввати унчалик катта эмас – 825 киловатт-соатга тенг. Лекин бу, биринчидан, экологик тоза маҳсулот, иккинчидан, шу атрофдаги аҳоли ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг эҳтиёжини узлуксиз қондира олади.

– Қорабоғ қишлоғида беш мингга яқин аҳоли яшайди, – дейди халқ депутатлари Чортоқ тумани кенгаши депутати Мироджон Буваев. – Ҳамма янги электр қуввати манбаи ишга тушганидан хурсанд. Чунки илгари таъминотда тез-тез узилишлар бўлиб турарди. Энди бундай ҳолатларга барҳам берилди. Бундан ташқари, атрофдаги адир ерларни суғорадиган насос станцияларининг ҳам мунтазам ишлаши учун имконият яратилди.

“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти инвестиция дастурига биноан бунёд этилган бу микроГЭСлар каскади учта ток ишлаб чиқарувчи агрегат билан жиҳозланган. Уларнинг ҳар бири 275 киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилиш қобилиятига эга. Станцияда барча жараёнлар автоматик тарзда бошқарилади. Бу эса юқори самарадорликни таъминлайди.

Шу ўринда Наманган вилояти гидроэнергетика объектлари барпо этиш учун катта имкониятларга эга эканини қайд этиш лозим. Улардан унумли фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилаётгани диққатга сазовордир. Ҳозирги пайтгача “Ўзбекгидроэнерго” мутахассислари яна 12 та ГЭС қуриш имконияти бор ҳудудларни аниқлаганлар. Навбат билан у жойларда ҳам мўъжаз, лекин аҳоли ва иқтисодиёт учун катта фойда келтирадиган электр қуввати ишлаб чиқарадиган станциялар бунёд этилади.

Ёшлар сиёсати

# ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ ВА ВИЖДОНИ

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Саратон қуёши тафтидан лохас бўлиб ухлаб қолган Зарифжон қанча вақт ўтганини билмайди, кўзини очиб қараса, ҳамон ўша эски аравада пахтазор сари борар, отаси Бўрон ака эса терга ботган ўғлига термулиб, кўзидан дув-дув ёш оқарди.**

Фарзандининг ўйғонганини кўриб:

– Ҳа ўғлим, сен ҳам чарчадинг, таътилда тенгдошларинг билан мазза қилиб ўйнаб, ҳордиқ чиқариш ўрнига, менга қўшилиб чошгоҳда далада юрибсан. Нима қилай болам, жўжабирдай жон бўлсак, қўлингдан иш келадиган бўлиб қолди, оила аравасини тортишда ёрдамлашмасанг бўлмайди, пешонамизга битилгани шундай экан. Аммо ҳали шундай кунлар келади, дориломон замон бўлади, – деб ўксиниб қўйганди ўшанда.



Машойиҳлар яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар “омин” деяр экан, деган гапни бекорга айтишмайди. Унинг мазмун-моҳиятини бахти тўкис инсонлар қатори истиқлолнинг илк куниданоқ қалбан ҳис қилди. Орадан уч йил ўтиб у мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмасдан тақдири ва истиқболини қурилиш соҳаси билан боғлади. Ўша кезларда Шаҳрисабз туманида фаолият кўрсатган қурилиш ташкилотида ғишт терувчи устага шогирд тушди. Устоз-шогирд анъаналарига амал қилиб, ўзига юклатилган вазифани оғишмай уддалади. Вақти келиб, соҳага чин дилдан ихлос қўйди ва пойтахтга йўл олиб, шу соҳа мутахассисларини тайёрлайдиган олий ўқув юртига ўқишга кирди ва ишлаб чиқаришда ўрганганларини янада бойитди.

Мақола аввалида мана шу мисолга эътибор қаратишимизнинг боиси бор. Ўттиз йилдирки, давлатимиз барча соҳалар баробарида ёшларнинг ҳар жиҳатдан мукаммал ҳамда тўкис бўлишлари учун қанча маблағ зарур бўлса, сарфламоқда, уларнинг билим олишлари, янгиликлар яратишларига кенг йўл очилган. Ҳозирги баркамол авлоднинг юксак маънавияти ҳар қандай ғов ва тўсиққа, муаммоларни бартараф этишга қодирлиги истиқлолимизнинг келажаги, истиқболлигидан далолатдир.

Масалага мана шу томонлама чуқурроқ ёндошилса, бу борадаги мисоллар фикримизни янада равшанлаштиради. Эътибор беринг, мустақилликкача бўлган даврда Ўзбекистондан бирорта ёш чет элга бориб ўқиганини ёки ўша жойлардан ҳамкорлар топиб, тадбиркорлик қилгани-ю ўз ишлаб чиқаришини шакллантирганини эшитганмидик. Аксинча, ўша даврларда фалончи цех очиб, бир неча кишини иш билан таъминлабди, банкда ҳисоб рақами ҳам бор экан, дейишса, шу сўзларни айтган кишини албатта телба бўлса керак, деб ўйлашлари аниқ эди. Негаки, ишбилармонлик ва хусусий мулк деган ақидалар халқимизга мутлақо бегона эди.

Мана, ўттиз йил бўляпти, энди бундай тушунчалар халқимиз учун янгилик эмас. Ҳар йили юзлаб ёшларимиз ўзлари танлаган соҳа бўйича хоҳлаган хорижий давлатларда таҳсил олиб, юртимизга турли янгиликлар билан қайтяпти, келажагимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшяпти. Умуман олганда, ишлаб чиқариш бўлсин, спорт ва бошқа барча соҳаларда бугун дунё миқёсида ёшларимизнинг ўз ўрнини, шижоатларини кўряпмиз. Ғурур ва ифтихор билан айтиш жоизки, юртимиз довруғи ҳамда маданиятини бошқаларга намойиш қилишда ёшлар шижоати, ташаббуслари, уларнинг қўшаётган ҳиссасини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил бошида Олий Мажлисга қилган Мурожатномасида, “Ёшларни замонавий билим ва тажриба, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз”, дея таъкидлаб, 2021 йилга мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном беришни таклиф қилгани бежиз эмас. Зеро, келажагимиз пойдеворини янада мустаҳкамлаш йўлидаги энг катта ишончимиз, мадад ҳамда таянчимиз ҳам ана шу ўсиб келаётган ёш авлоддир.

Президентимизнинг мазкур таклифига ҳамоҳанг равишда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қурилиш соҳасида замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаб бериш учун жойлардаги соҳага дахлдор ўқув юртларининг энг аввало, моддий-техника базаси қайтадан мустаҳкамланяпти, ўқув бинолари талаб даражасига келтирилиб, билимга чанқоқ ёшлар учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Бўлажак бунёдкорлар нафақат назарий жиҳатдан, балки амалиётда ҳам илғор тажрибаларни мукаммал ўзлаштиришларига имкониятларни қилиб беряпти.

Бундай эътибордан руҳланган ёшларимиз ўқишда, меҳнатда, янгиликлар яратиб, тадбиркорликни шакллантиришда ўзларига берилаётган имкониятларнинг мазмун-моҳиятини дилдан ҳис этишяпти. Ана шунинг учун ҳам ҳар бирининг шуурида битта орзу-истак мужассам. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бошланган изчил ислоҳотларда фаол иштирок этиб, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари кўламини янада кенгайтириш, эҳтиёжманд фуқароларнинг орзуларини рўёбга чиқариш учун замонавий турар жойлар қуриб, уларга барча шароитларни яратиб бериш, шу йўл билан эл-юртга наф келтиришдан иборатдир.

Дарвоқе, юқорида номи тилга олинган Зарифжон Бўронов ҳам истиқлол яратиб берган имкониятлардан оқилона фойдаланиб кўп йиллар ўзи яшаётган тумандаги қурилиш ташкилотларида оддий ишчиликдан, прораб, иш юритувчи сингари вазифаларда самарали меҳнат қилган фидойи қурувчилардан бири. Марҳум падарибузруквори айтганидек, дориломон кунлар қадрига етиб, тадбиркорларга дастуриламал бўлаётган қонунларни ўз ҳаётига татбиқ қилмоқда. Айни пайтда кўп тармоқли маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини очиб, аҳолининг мушкулини осонлаштиряпти, 20 нафар маҳалладошини доимий иш билан таъминлаган.

Бундай мисоллардан хулоса шуки, давлатимиз ёшларимиз камолоти йўлида нимаики қилиш зарур бўлса, барчасини муҳайё этмоқда. Чунки ёшлар жамиятимиз таянчи, келажагимизни барқарор ривожлантириб, асрларга уловчилардир. Ана шунинг учун ҳам улар юртимизнинг фахри ва виждонидир.

# Бола ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасидаги муҳим ўзгариш

**Ўзбекистонда узоқ йиллар болалар ҳуқуқларига оид ҳуқуқий меъёрлар инсон ҳуқуқларига оид нормалар ичига киритилган. Фақат 2008 йилга келиб илк бор "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.**

2019 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил қандай ишларни амалга оширди ва бу институт Президент фармони билан нега алоҳида тузилмага айлантирилди? Бу ҳақда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Алия ЮНУСОВА билан суҳбатлашдик.

– Бола ҳуқуқлари бўйича вакил сифатида ишга киришар эканмиз, болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишлар қилинаётанига қарамай, ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар ҳам борлиги аён бўлди, – дейди Алия Юнусова. – Аввало, болалар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш учун миллий қонунчиликни мустаҳкамлаш зарурати борлиги маълум бўлди.

Таълим, маданият, ижтимоий таъминот ва ҳимоя соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурати аёнлашди. Қашшоқликни бартараф этиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ривожланиш ва тенг имкониятларни яратиш, айниқса, аёллар ва болаларни заифлаштирадиган омиллар таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирлар шулар жумласидан.

Жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, болалар ҳамда улар қонуний вакилларининг бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатлари ҳам ушбу соҳада қандай муаммолар борлигини кўрсатмоқда. 2020 йил мобайнида Вакил номига бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисида юзга яқин мурожаат тушди.

Ачинарлиси, Меҳрибонлик уйлари битирувчиларининг турар жой билан таъминланиши тўғрисидаги 12 мурожаати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жавобсиз қолдирилган.

Қолган мурожаатлар боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи, алимент олиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари бузилиши кабиларни ташкил этди.

**– Мурожаатлар қандай ҳал этилди?**

– Мурожаатлар давлат ҳокимияти органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда ўрганиб чиқилди.

Жумладан, Россия Федерациясига даволаниш учун борган, аммо пандемия сабаб Ўзбекистонга қайта олмай қолган болалар Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда юртимизга қайтарилди. 3 нафар бола Санкт-Петербургдан, 4 нафар бола оналари билан бирга Москвадан Ўзбекистонга олиб келинди.

Фуқаро О. Томашевскаянинг ногиронлиги бўлган 10 ёшли фарзанди таълимга жалб қилинмаган. Бу борада Халқ таълими вазирлиги раҳбариятига мурожаат қилиб, боланинг таълим олиш ҳуқуқи таъминланди.

Тошкент вилояти Янгийўл туманида яшовчи фуқаро Н. Юсупова оиласи кам таъминлангани, фарзандига ногиронлик аравачасини олиб беришга моддий жиҳатдан қийналаётгани, боласи ўзи юра олмаслигини билдириб, амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси билан ҳамкорликда вояга етмаган болага ногиронлик аравачаси олиб берилди. Бундай мисоллар кўп.

**– Сир эмаски, вояга етмаган шахсларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари учраб турибди. Уларнинг олдини олиш бўйича қандай ишлар амалга оширилди?**

– Тўғри, вояга етмаган болаларга нисбатан жинсий зўравонлик жинояти сони кўпайиб бормоқда.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил номига шундай мазмунда 7 мурожаат келиб тушди. Жумладан, 14 ёшгача бўлган вояга етмаган қизларни зўрлаш Қашқадарё, Андижон, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида рўй берди.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил мурожаатлар юзасидан 8 маротаба ўзи ва вакили орқали суд процессларида иштирок этди.

Бола ҳуқуқларини таъминлаш, вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатлари ижроси назоратини ўтказиш ва тегишли органлар билан ҳамкорликда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга 47 сўров жўнатилди.

Бундан ташқари, асаб-руҳий касалликлари диспансерлари ва шифохоналари, болалар уйлари, "Мурувват" ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйлари, "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари, Республика ихтисослашган ўқув-тарбия муассасалари, жазони ижро этиш муассасаларида ҳам ўрганишлар олиб борилмоқда. Мониторинг натижалари юзасидан 10 га яқин хулоса ва таклифлар юқори ташкилотларга юборилди.

**– Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 августдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига кўра, ушбу соҳада қандай ўзгаришлар бўлади?**

– Мазкур фармон билан Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасида муҳим ўзгариш юз берди. Чунки фармон билан Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили институти таъсис этилди.

Маълумки, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил бунгача Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг ўринбосари сифатида фаолият юритиб келаётган эди.

Эндиликда Болалар омбудсмани ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширади.

Болалар омбудсмани Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади. Мазкур лавозимга номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Вояга етмаганлар ишлари бўйича Республика идоралараро комиссияси Болалар масалалари бўйича миллий комиссияга айлантирилди.

**– Миллий комиссияга қандай вазифалар юклатилди?**

– Миллий комиссия болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, унинг соғлом турмуш тарзини таъминлашга масъул этиб белгиланди. Шу билан бирга, болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш, боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш чораларини кўради. Болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек, уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этади.

Болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш, тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш ҳам комиссия зиммасида бўлади.

Болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш, давлат органлари ва ташкилотларнинг, шунингдек, ҳудудий комиссияларнинг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳам Миллий комиссия иш олиб боради.

Болалар омбудсмани болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди. Уларнинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва тарбия колониялари фаолиятида бола ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилади.

Бир сўз билан айтганда, болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ва таъминлаш бўйича махсус тузилмалар фаолият юритиши билан бирга, бу ишлар сифатли амалга оширилиши учун кўмаклашадиган ва айни вақтда назорат мониторингини амалга оширадиган мустақил янги институт фаолият юритади. Бу ушбу соҳада сифатли, амалий натижалар кўрсата оладиган, муҳими, ҳеч бир болани эътибордан четда қолдирмайдиган тизим ишлашини таъминлайди.

**ЎзА мухбири**
**Норгул АБДУРАИМОВА**
**суҳбатлашди.**

---

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
ЎзА мухбири.

**Самарқанд шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи. Шаҳар марказида жойлашган кўркам маскан. Мўъжазгина боғи, ўйин майдонлари, дам олиш жойлари, катта-кичик бинолари бўлган каттагина ҳовли. Бу ҳовлида 100 нафарга яқин бола бир оила аъзоларидек яшайди. Мураббий ва тарбиячилардан сабоқ олади.**



# ЁШ АВЛОДГА БИР ЯХШИЛИК, ЎН ЯХШИЛИК БЎЛИБ ҚАЙТАДИ

Одатда, Меҳрибонлик уйлари ҳақида гап кетганда кўпчилик бу масканларда ота-онасидан айрилган ёки улар томонидан ташлаб кетилган болалар таълим-тарбия олади, деб ўйлайди. Бунга узоқ йиллар "болалар уйи" ёки "детдом" деган тушунчалар сабаб шаклланган дунёқарашимиз, кўрган-кечирганларимиз асос бўлар балки. Лекин бу хулосамиз унчалик ҳам тўғри эмас.



### МЕҲРИБОНЛИК УЙИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТ ЭМАС

– Иш фаолиятимни 2010 йилда 6-Меҳрибонлик уйида бошлаганман, – дейди Самарқанд шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи директори Мавжуда Фахрутдинова. – Дастлабки кунлари болаларга қараб юрагим эзилиб, роса йиғладим. Қандай бағритош ота-оналарки қалб қўридан яралган боласини шундай муассасаларга ташлаб кетади, уларда юрак борми, деб ўзимга ўзим савол берардим. Ҳафтанинг охирига бориб, болалар анча камайиб қолди. Уларнинг ҳаммаси ҳам етим эмас экан, ота-оналари келиб, олиб кетишди ва душанба куни яна келтириб қўйишди. Ана ўшанда Меҳрибонлик уйидаги ҳамма болалар ҳам етим бўлмаслигини билганман. Шундан кейин ҳар бир боланинг оиласи билан қизиқдим. Ота-онаси бор болаларнинг уйига бориб, улар билан суҳбатлашдим. Нима сабабдан боласини Меҳрибонлик уйига берганини сўраганимда уларнинг кўпчилигидан "боламни "детдом"-га эмас, мактаб-интернатга берганман" деган жавобни эшитганман. Бундай ота-оналарга Меҳрибонлик уйи ва мактаб-интернат нима эканлигини, бола оила муҳитида таълим-тарбия олиши муҳимлигини тушунтирганмиз. Шу тарзда 2011 йилда 67 нафар болани оиласи бағрига қайтардик.



Ўша пайтда Самарқанд шаҳрида тўртта Меҳрибонлик уйи бўларди. Уларда тарбияланаётган болаларнинг маълумотларини таҳлил қилиб шунга гувоҳ бўлганмизки, фақатгина чин етимлар ва ҳақиқатда шундай масканларда яшашга муҳтожларини ҳисоблаганимизда битта Меҳрибонлик уйи кифоя қиларди. Мана бугун шундай – Самарқандда битта бизнинг муассасамиз қолган. Лекин биздаги болаларнинг ҳам 6 нафаригина чин етим. 67 нафари ҳаётнинг турли зарбалари туфайли оиласи пароканда бўлган болалар, яъни ижтимоий етим. 19 нафари кам таъминланган оилалар фарзанди.

Фарзанд – оила қувончи, ота-она орзу-умиди. Ҳар бир бола ота-онаси меҳрини ҳис қилиб, оила бағрида улғайиши, ҳаётни таниши керак. Аммо, ҳаётнинг паст-баланди, синовлари кўп. Турли сабаблар билан ота-онасиз, етим бўлиб қолган болаларга давлат томонидан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилади, уларнинг бошқа тенгдошларидан кам бўлмай камолга етишлари учун шарт-шароит яратилади. Аммо бу фақатгина боланинг моддий таъминоти, яъни еб-ичиши, кийим-кечагини таъминлаб қўйиш, дегани эмас. Унинг таълим-тарбияси, руҳияти, ҳаётда ўз йўлини топиши учун ҳам қайғуриш, меҳр-муҳаббат кўрсатиб улғайтириш керак.

### БИРОРТА БОЛА "ЕТИММАН" ДЕБ ЎКСИНМАЙДИ

Жорий йилнинг 28 июль куни ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ҳамда ижтимоий нафақаларни такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари бу борада янгича тизим жорий этилишини таъкидлади.

Юртимиздаги Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларида яшаётган болалар таълим-тарбиясига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси масъул бўлиши белгиланди. Меҳрибонлик уйларидаги болаларни оилага яқин муҳитда тарбиялаш, оилавий болалар уйлари ташкил этган ва етим болаларни ўз қарамоғига олган оилаларга бир қатор имтиёзлар берилиши таъкидланди.

Йиғилишда ота-онаси ёки қариндошлари бўла туриб Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётгани болаларни уларнинг оиласига моддий ёрдам бериш орқали яқинлари бағрига қайтариш мумкинлиги айтилди.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этишга оид бу каби чора-тадбирлар Президентимизнинг 9 август куни қабул қилинган иккита муҳим қарорида ўз аксини топди.

– Давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган йиғилиш ва куни кеча қабул қилинган қарорлар юртимизда ҳаётнинг турли синовлари сабабли етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлиб қолган болаларни баркамол инсонлар этиб ўстириш, уларга давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатишда янги даврни бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди, – дея сўзида давом этади Мавжуда Фахрутдинова. – Икки ҳужжатда ҳам тизимни янгича асосда ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Биророрта боланинг "мен етим ёки ногиронман" деб ўксинмаслиги учун барча шарт-шароит яратилиши, уларнинг касб-ҳунар ўрганиши, олий маълумот олиши ва ишга жойлашиши, уй-жой билан таъминланишининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Йиғилишдан сўнг, Миллий гвардия Самарқанд вилояти бошқармаси масъуллари келиб, муассасамиз фаолиятини ўрганди ва давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросига киришилди. Болалар таълим-тарбиясига масъул сифатида Миллий гвардиядан Жамшид Қўчқоров менга ўринбосар сифатида иш бошлади. Иккита психолог бириктирилди. Шу пайтгача иккита – шашка ва оғир атлетика тўгарагимиз бор эди, яна 7 та спорт тўгаралари фаолияти йўлга қўйилди ва бу машғулотларни ҳам Миллий гвардия ходимлари ўтмоқда. Республика Бош прокуратураси ва вилоят прокуратураси ёрдами билан миллий кураш тўгараги очилди. Болаларимиз учун зарур спорт жиҳозлари ва кийимлари олиб берилди.

Қисқа вақт давомида болаларимиз Миллий гвардия вилоят бошқармаси ва унинг тизимидаги спорт секцияларига, дала ўқув майдонига саёҳатга олиб борилди. Ходимларнинг ўзлари келиб улар билан маърифий, спорт тадбирлари ўтказяпти.



Тарбияланувчиларимизнинг 60 нафари ўғил болалар бўлгани учун улар тарбиясида эркак кишининг ўрни жуда муҳим. Ўтган йил тажриба сифатида уч нафар эркак тарбиячини ишга қабул қилгандик. Бу болалар юриш-туриши, тарбиясига ижобий таъсир кўрсатди. Шунинг учун Миллий гвардия ходимларининг биз билан ҳамкорликда ишлаши болаларимизнинг руҳан ва жисмонан етук инсонлар бўлиб улғайишига ёрдам беради.

### 21 НАФАР БИТИРУВЧИНИНГ 17 НАФАРИГА УЙ БЕРИЛАДИ

Меҳрибонлик уйида болалар 3 ёшдан 18 ёшгача таълим-тарбия олади. Мактабни битирганидан сўнг, улар турар жой билан таъминланиб, мустақил ҳаёт бошлайди.

– Болаларимиз кўпинча, ана шу дамда жамиятда ўз ўрнини топишга қийналади, – дейди Мавжуда Фахрутдинова. – Сабаби аксарияти олий ўқув юртига ўқишга киролмайди ёки кирганда ҳам ўқишга имконияти бўлмайди. Қўлида тайинли касб-ҳунари бўлмаганидан кейин буям катта муаммо туғдиради. Энг ёмони уй-жой масаласи. Шу пайтгача уларга асосан, ётоқхонадан ҳаммасига битта кўп қаватли уйдан хоналар ажратиларди. Натижада улар яна бошқалар билан муомала-муносабатга киришиш ўрнига ўз қобиғига ўралиб қоларди. Энди, аввало, улар Меҳрибонлик уйида чоғида бирор касб-ҳунарга ўқитилади, олий ўқув юртида қўшимча давлат гранти асосида ўқийди, стипендиясига 50 фоиз қўшиб берилади. Ишга жойлашишда ҳам бир қатор имтиёзларга эга бўлади. Энг муҳими, улар 18 ёшга тўлган йилда кўп квартирали уй-жойлардан бир хонали хонадонга эга бўлади. Бу хонадонларни ажратишда ҳам барча омиллар ҳисобга олинди.

Жорий йилда бизнинг муассасамизда яшаётган ёшларнинг 21 нафари мактабни битириб, олий ўқув юртига ўқишга кириш учун ҳужжат топширди. Ҳозирча, 7 нафарининг талаба бўлгани аниқ бўлди. Бошқаларига ҳам омад кулиб боқишига ишонамиз. Шу пайтгача 2 нафар битирувчимизга Самарқанд шаҳри ва Жомбой туманидан уй ажратиб берилди. Яна 16 нафари 1 октябрга қадар ўз уйига эга бўлади. Тўрт нафар етим боланинг ота-онасидан қолган уй-жойи борлиги сабабли уларга бу хонадонларни таъмирлашга ёрдам берилади.

### ТАРБИЯЧИЛАР ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙИ ОЧМОҚЧИ

Меҳрибонлик уйи раҳбари Президент иштирокида ўтказилган видеоселектор йиғилишидан сўнг муассасанинг икки нафар тарбиячиси – М. Раҳимова ҳамда Ф. Нарзиева оилавий болалар уйи очиб, 5 нафардан ўғил-қизларни ўз тарбиясига олмоқчи эканлигини айтди. Айни пайтда улар шу эзгу иш ҳаракатида экан.

Ҳа, яна бир гап. Ҳозирда муассасадан бола асраб олиш истагини билдириб, рўйхатда турганлар 200 нафарга яқинлигини айтишди. Бағрикенг, болажон халқмиз. Етимнинг бошини силаш, унга меҳр-оқибат кўрсатиш халқимизга хос юксак инсоний фазилатлардан саналади. Бир болага етти маҳалла – ота-она, деган гап ҳам бежиз айтилмаган. Шу юртда, жамиятда яшаётган ҳар бир боланинг, у кимнинг зурриёди бўлишидан қатъи назар, келажагига бефарқ бўлмай, унга меҳр-эътибор кўрсатсак, нафақат уларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраган бўламиз, балки ёш авлод олдидаги инсоний бурчимизни ҳам адо этган бўламиз. Қолаверса, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, фарзандларимизга қилган ҳар бир яхшилигимиз ўн яхшилик бўлиб қайтади.

# ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР




**Умид ЎРАЗБАЕВ,**
Хоразм вилояти, Тупроққалъа тумани Халқ қабулхонаси мудири.
**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Маълумки, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш ислоҳотларимиз орасида энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳаётбахш дастурларни изчил давом эттириш орқали ҳудудларнинг йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектлари ривожланади ва шу асосда аҳолининг фаровонлиги, турмуш даражаси янада юксалади.**

Мазкур ишларни рўёбга чиқариш учун Хоразм вилояти таркибида 2020 йили янги ташкил этилган Тупроққалъа туманида ҳам хоразмликларнинг бирдамлиги натижасида катта саъй-ҳаракатлар қилиняпти. Шу ўринда бир нарсани эътироф этиш жоиз, ўз номига монанд туманда истиқлолнинг дастлабки йилларидан ўзлаштириш ишлари бошланганини кўпчилик яхши билади. Бу ерда Ватан ичра ўз ватанимни қураман деб умид билан ҳаёт кечираётганлар янги экин майдонларини очишда, қурилишларда фаол қатнашишди. Айни пайтда тумандаги мавжуд 18 та маҳалладаги 12 724 та хонадонда 16 519 та оила истиқомат қилади.

### “МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШДА АФЗАЛЛИКЛАР КЎП

Юртимизда мана шу йўналишда ишлар ташкил қилингани Тупроққалъада айниқса яхши самара беряпти. Таъкидлаш жоизки, туман янги ташкил қилингани сабабли бу ердаги ижтимоий аҳвол бошқа жойларга нисбатан анча фарқ қилади. Шу боис биринчи галда аҳолини доимий меҳнатга жалб қилишга эътибор қаратиляпти. Ҳар бир хонадонга кириб, оиладагиларнинг яшаш тарзи, қандай юмушлар билан машғуллиги рўйхати тузилди ва хонадонбай иш юритишга аҳамият берилди. Шунингдек, касб-кори бўлмаган кишилар босқичма-босқич махсус курсларда ўқитилмоқда, фуқаролар турмушида ҳалал бераётган муаммо ҳамда таклифлар ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан таҳлил қилиб боriляпти.

Натижада ҳудуд маҳаллаларининг “Ўсиш нуқтаси”дан келиб чиқиб 404 нафар фуқарога 9 459,7 млн сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши таъминланди. Уларнинг 125 тасига тикувчиликни ривожлантириш учун 2 222,7 млн сўм, 8 тасига иссиқхона ташкил қилиш учун 203 млн сўм, 102 таси чорвачиликни ривожлантириш учун 1 825,2 млн сўм, 48 тасига паррандачилик учун 675,3 млн сўм, 55 тасига ишлаб чиқаришни ривожлантиришига 2 054,6 млн сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис хизматлари учун 43 тасига 1 631,9 млн сўм, 19 тасига ҳунармандчилик йўналиши бўйича 559,0 млн сўм, 4 тасига балиқчиликни ривожлантириш йўналишида 288,0 млн сўм ажратилди ва 416 нафар ишсиз фуқароларнинг доимий бандлиги таъминланди.

### “ТЕМИР ДАФТАР”ДАН ЧИҚИБ, ТАДБИРКОРЛИККА КИРИШДИ

Ҳеч бир даврда инсон манфаатига ҳозирги даражадагидек эътибор қаратилмаганди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кейинги йилларда “Темир дафтар”нинг юритилаётгани эҳтиёжманд, кам таъминланган ва камбағал оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг оёққа туриб олишларига имкон беряпти. Гапнинг рости, ўтган даврда ижтимоий инфратузилма масалалари эътибордан узоқлашгани туфайли Тупроққалъада ҳам шароити оғир аҳволга тушиб қолган оилалар кам эмасди. Шу сабабли айниқса, ўтган йилги пандемия даврида бу янада кўзга яққол ташланди.

Жаҳон халқлари бошига тушган бу жиддий синов кимнинг ким эканини кўрсатди. Мана шу оғир даврда ҳам ҳукуматимиз фуқароларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни тўхтатгани йўқ. Аксинча, давлат раҳбарининг топшириғига биноан бошқа жойлардаги каби ишчи гуруҳи 396 та оиладаги 1 655 нафар кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий томонини ўрганиб, аҳволини яхшилаш учун “Темир дафтар”га киритган эди. Бугунги кунга қадар мазкур оилаларга мунтазам равишда озиқ-овқат маҳсулотлари ва белгиланган тартибда пул маблағлари берилиши, бандлигини таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўрилиши, тадбиркорликка жалб қилиниши, улар билан индивидуал фуқаробай иш олиб борилиши ҳамда бошқа амалий ёрдамлар кўрсатилгани натижасида барчаси рўйхатдан чиқарилди.

Уларнинг айримлари бу имконият туфайли оиласининг иқтисодий аҳволини яхшилаш баробарида тадбиркорликка қўл уриб, бир неча кишини иш билан таъминлаяпти. Масалан, Пастом маҳалласида яшовчи К. Қурбонованинг имконияти ўрганиб чиқилгач, туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг субсидияси ҳисобидан унга 14 млн 255 минг сўм ажратилди, ҳомийлар томонидан эса бепул иссиқхона қуриб берилди. Шунингдек, “Шукуржон бугалтер” фермер хўжалиги ўз тасарруфидаги майдондан 1 гектар ер ажратди. Натижада у “Темир дафтар”дан чиқиб, фаолиятини авж олдирди. Оиласидагилар доимий иш билан таъминланиб, икки нафар қўшнилари ҳам шу жойда меҳнат қилишмоқда. Муҳими, бу иссиқхонада етиштирилаётган маҳсулотлар ўзларидан ташқари элга ҳам татияпти.

Шунингдек, “Аёллар дафтари”га киритилган фуқаро С. Аташевага “Ҳар бир оила тадбиркор” давлат дастури асосида АТБ “Агробанк” Ҳазорасп тумани филиали томонидан етарли миқдорда кредит ажратиб берилди. Бугунги кунда мазкур оила бир йил аввал шароити оғир, рўзғор аравасини амаллаб тортиб, муҳтожликда кун кечирарди, деса ҳеч ким ишонмайди. Чунки банк ажратган кредитдан самарали фойдаланиб, тикиш машинасини олган чевар аёл икки нафар қиз билан аллақачон тадбиркорликни бошлаб юборган. Улар қўлида сайқал топаётган болаларбоп кийимларнинг эса бозори чаққон.

Й. Охунбобоев номидаги маҳаллада яшовчи Д. Йўлдошев ҳудудда фаолият юритаётган кўплаб ташкилотларга иш сўраб борган. Бироқ бирортасида ҳам бўш иш ўрни йўқлиги учун охири бошқа жойга кетиш тараддудига тушган пайтда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган тегишли қарор туфайли ғалладан бўшаган майдондан унга 1 гектар ер ажратиб берилди. Тумандаги худди шундай яна 18 нафар ёшларга ҳам такрорий экин экишга имкониятлар яратилди. “Ёшлар дафтари”га киритилган бу фуқаролар оби ҳаёт танқислигига қарамай, тадбиркорлик билан меҳнат қилаётган далани бориб кўрган киши ҳавас қилади. Улар парваришлаётган озиқ-овқат экинлари ҳадемай ўз-ўзини таъминлаш баробарида, туман истеъмол бозорини ҳам тўлдиришга ҳисса қўшади.

Тан олиш керак, Тупроққалъа вилоят марказидан анча олисда жойлашгани сабабли ҳали бу ерда саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш ташкилотлари унчалик кўп эмас. Ўз-ўзидан ишсизлик, айниқса, хотин-қизларнинг уйда ўтириб қолиш муаммоси бор гап. Шунинг учун хонадонбай ишлашни кенг шакллантириш орқали уларни доимий меҳнат билан бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш мақсадида алоҳида ишчи гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди. Бу гуруҳ таркибида шифокор, ўқитувчи, психологлар, хуллас, турли соҳа мутахассислари бор.

Гуруҳ учга бўлиниб, олти ой давомида 1 000 дан ортиқ уйларда бўлиб, 12 250 нафар хотин-қизлар билан мулоқотлар ўтказди. Аниқланишича, 1 840 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ишсиз хотин-қизлар, 161 нафар боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд, 132 нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, 20 нафар уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гуруҳ ногирони, 8 нафар нотурар жойларда истиқомат қилаётган, 35 нафар қарамоғида бир ва ундан ортиқ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган болалари мавжуд ёлғиз аёллар, 169 нафар тиббий ҳимояга муҳтожлар, 197 нафар ҳуқуқий ёрдам сўраган, 332 нафар психологик маслаҳатга муҳтожлар борлиги маълум бўлди.

Шу асосида ногиронлиги бўлганларга вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси кўмагида аравачалар олиб берилди, уй-жойлари таъмирлашга муҳтожларнинг уйлари ҳомийлар ташаббуси билан замонавийлаштирилди. Аксарияти қайта ихтисослаштирилиб, тикиш-бичишга йўналтирилди ва хонадонбай ишлашлари учун ўз уйларида шароитлар қилиб берилди. Сўнгги ойларда бундай саъй-ҳаракатларнинг жиддий қарор топтирилгани ҳамда 548 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлга қўйилгани шарофати билан энди уларнинг барчаси фойдали меҳнатга банд, бажараётган юмушлари эртага ўзларига қандай наф келтиришининг ҳадисини олишган. Бунинг учун давлатимиздан миннатдор бўлиб, шундай кунларга етказганига шукроналар айтишмоқда.

### ТУПРОҚҚАЛЪА – ВОҲАДАГИ ГЎЗАЛ ТУМАН БЎЛАДИ

Жорий йил бошида давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга қилган Мурожатномасида жамиятимиздаги барча тизимларда ўтказилаётган ислоҳотларни таҳлил этаркан, бу саъй-ҳаракатларда ижтимоий инфратузилмага алоҳида тўхталиб, сўнгги 3 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла”дастурлари доирасида 5 миллионга яқин аҳоли яшайдиган 1 200 та маҳалла ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгаргани бундан кейин ҳам бу долзарб ишлар давом қилиши учун барча чора-тадбирлар кўрилишини таъкидлаганди. Узоқ даврлардан буён ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига муҳтож тупроққалъаликлар учун мазкур дастурлар дастуриламал бўлди. Уларга таянилиб, даставвал мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳ тузилгач, маҳаллаларга бириктирилди ҳамда кундалик мониторинг олиб бориш йўлга қўйилди.

Инфратузилмаси оғир шароитга келиб қолган иккита маҳаллага дастур бўйича йил бошидаёқ 3,3 млрд сўм, маҳаллий бюджетдан 2 млрд 586 млн сўм, тармоқ корхоналаридан 1 млрд 286 млн сўм ва банк кредитлари ҳисобидан 3 млрд 878 млн сўм маблағ ҳисобига қурилиш-ободонлаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилди.

Белгиланган юмушларни муддатида бажариш мақсадида барча воситалар жалб қилингани учун айни дамда ички йўлларда асфальт ва бетонлаш ҳамда тупроқ йўлларга шағал ётқизиш ишлари қизғин давом этяпти. Ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида 4,0 млрд сўм эвазига 29,0 километр узунликдаги сув тармоқлари қурилиши режалаштирилиб, бу борадаги ишлар ниҳоясига етиш арафасида.

Кўп йиллардан буён туманнинг электр таъминоти тизимида узилишлар бўлаётгани турли муаммоларни келтириб чиқараётганди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан мазкур масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Энди бу соҳада нуқсонлар бўлмайди. Чунки жорий йилда 5,7 километр узунликдаги электр тармоқлари тортиляпти, 1 та трансформатор ўрнатилди ҳамда 32 та таянч устунлари ҳолати яхшиланди. Газ таъминоти тизимини янгилаш учун 7,2 километр газ тармоқлари таъмирланди. Алоқа ва ахборотлаштириш тизимида ҳам катта янгиликлар киритиляпти, 3 та базавий станция замон талабларига мослаштирилди.

Муҳим соҳалардан бири бўлган таълим инфратузилмасини яхшилаш мақсадида жорий йил 9,160 млрд сўм маблағ йўналтирилди. Ҳозиргача 1 та МТТ, 2 та мактаб ва 1 та тиббиёт муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди, энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида барчаси фойдаланишга топширилади. Маҳаллалар ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ҳам спорт майдончалари, дам олиш масканлари, пиёдалар йўлакчаси қурилди ва таъмирланиб, тунги ёритиш тизими таъминланди. Энди тупроққалъаликлар меҳнатдан сўнг, кечки пайтлари маданий дам олиш учун қаерга боришини билмай юришмайди. Чунки шу жойнинг ўзида бошқа ердагилардан кам бўлмаган шароитлар яратилди. Кечки пайтлари таниқли санъаткорлар, ёзувчи-шоирлар, таълим-тарбия соҳасида ибрат бўлаётган оила бошлиқлари билан учрашувлар ташкил қилинаётгани фуқароларга маънавий-руҳий мадад бўлмоқда.

Яна бир асосий масала турар жойлар билан боғлиқ эди. Айни пайтда уй-жой фондини ривожлантириш учун ўзлаштирилган зарур маблағ ҳисобидан 224 та якка тартибдаги уйлар ва 2 та кўп қаватли турар жойлар таъмирланяпти. Хулоса қилиб айтганда, ислоҳотлар натижасида туманнинг нафақат инфратузилмаси, балки ички ва ташқи кўриниши ҳам тубдан ўзгарди. Энди унинг гўзал қиёфаси юртимиздаги ҳар қандай тумандан қолишмайди. Мана шундай шароитлар яратилганидан руҳланган фуқаролар ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни ривожлантиришда ташаббуслар кўрсатиб, туманнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишяпти.

# Фаровон маҳалласининг янги биноси фойдаланишга топширилди

**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**
ЎзА мухбири.

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллик тўйи арафасида Булоқбоши туманидаги “Фаровон” маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**








Тадбирда мамлакатимизда маҳалла тизимига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, маҳалла фуқаролар йиғинлари учун мослаштирилган янги бинолар барпо этилиб, самарали фаолият олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётганлиги таъкидланди.

Маҳалла фуқаролар йиғини идораси давлат шериклиги асосида тадбиркор Абдуназар Тошматов томонидан барпо этилди. Қурилиш, жиҳозлаш ишлари учун 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.

– Ҳозирда 3 минг нафардан зиёд аҳоли яшайдиган маҳалламизнинг идораси бундан олтмиш-етмиш йиллар аввал қурилган собиқ жамоа хўжалиги идорасида иш олиб борар эди, – дейди “Фаровон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Топволди Камолов. – Ҳукуматимизнинг эътибори, туман ҳокимлигининг кўмаги билан маҳалла идораси учун янги бино қуриб берилганлигидан хурсандмиз. Раис, ўринбосарлари, профилактика инспектори учун алоҳида-алоҳида хоналар мавжуд. Бинода барча шароит яратилган.

Маҳалла кўркига кўрк бўлган икки қаватли янги бинода, шунингдек, савдо дўконлари, маданият бўлими томонидан тўгарак машғулотлари ўтказиладиган зал ташкил этилиб, 30 та янги иш ўрни яратилади. Мазкур хизмат кўрсатиш объектларининг ишга тушиши билан маҳалла аҳолисига қатор қулайликлар яратилади.

Тадбир иштирокчилари янги бинода яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Туман ҳокимлиги, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан маҳалла идорасига компьютер жамламаси ҳамда бошқа зарур жиҳозлар топширилди.

# Давлат хизматчиси – халқ хизматчиси

**Шоҳруз ОЙДИНОВ,**
Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси архитектори.

**Ҳар тонг шаҳримиз кўчалари бўйлаб ишга отланган минглаб ҳамюртларимизни учратамиз. Йўллар орқали кимдир завод, фабрика, мактаб ёки бошқа ташкилотга шошган бўлмасин, барчани бир маслак бирлаштиради – тезроқ иш столига ўтириб севган касбини, ишини давом эттириш, ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилишдир...**



Ана шундай ғоя йўлида тиним билмаган шифокор, ўқитувчи, ҳуқуқшунос, ҳунарманд ва бошқа касб эгалари каби архитекторлар ҳам улуғ мақсад йўлида изланади. Юртимизнинг бунёдкорлик соҳасини ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимизни гўзал архитектура намуналари билан бойитиш, замонавий бинолар, дам олиш масканлари, савдо комплекслари, ижтимоий соҳа объектлари лойиҳаларини яратиш, мухтасар айтганда, шаҳарсозлик ва қурилиш учун инновацион лойиҳалар ҳамда ечимларни қурилиш фаолиятига жорий этиш архитекторларнинг асосий вазифаси.

Бугунга келиб, нафақат Навоий шаҳри, балки вилоят туман ва қишлоқларининг ҳам қиёфаси йил сайин ўзгариб, чирой очиб боряпти, чекка овулларгача янгидан қад ростлаган замонавий бинолар, равон йўллар, коммуникация тармоқлари кириб боряпти, қишлоқлар шаҳарларга тенглашиб аҳолининг яшаш тарзи яхшиланмоқда. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган сиёсати, қурилиш соҳасидаги ислоҳотлар сабабли экани ҳеч кимга сир эмас.

Архитекторларнинг чиройли дизайн яратиш учун лойиҳа устида бош қотиргани, тунлари бедор бўлиб кўринишини хаёлида шакллантиргани, ҳар бир икир-чикирини эътиборга олиб, яратган турар жой бинолари, улкан иншоотлар қурилиб битгач, унга кўчиб кирган одамлар хурсандчилигини кўрганда, барча чарчоқлар унутилади. Ахир инсон ўз уйига, бошпанасига эга бўлганида Ватан ичра ватанлик бўлганини ҳис қилади ва бу жуда катта хурсандчиликдир. Ўз касбини севадиган давлат хизматчиси учун ҳамюртларимизга шундай севинч улашишдан ҳам ортиқ қувонч борми?

Албатта, бу ишларимиз эътироф этилганида халқимизнинг эътибори ва эъзозидан кўнгиллар ифтихорга тўлади. Мустақиллик байрами арафасида қанчадан қанча оилаларга янги уй калитлари топширилади, хонадонларда уй тўйлари бўлиб ўтади, қўшалоқ байрамдан ҳамюртларимизнинг юз-кўзларида мамнунлик, ўтаётган кунидан розилик, фаровон, тўкин ҳаётдан шукроналик ҳисларини кўрганда, шу биноларнинг қурилишида ҳиссамиз борлигидан қувонамиз. Халқ севадиган давлат хизматчисининг орзуси шу, халқнинг дуосини олишдир.

Албатта давлат хизматчиси қайси касбда хизмат қилишидан қатъи назар, унинг учун белгилаб берилган меъёр, талаблар бор. Президентимизнинг 2019 йил 3 октябрда қабул қилган “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли фармонида давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ўлчанадиган индикаторлари (энг муҳим кўрсаткичлари) тизимини жорий этиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиқ рейтингини шакллантириш каби муҳим вазифалар белгилаб қўйилган.

Айни вақтда давлат хизматчиларини ишга қабул қилиш шаффоф, катта аудитория кузатувида очиқ савол-жавоблар билан халққа онлайн намойиш этган ҳолда амалга ошириляпти. Бундай ошкора тизимнинг йўлга қўйилгани, соҳанинг ҳақиқий билимдони бўлган, юқори интеллектга эга кадрларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига имкон беради. Бугун қурилиш ва архитектура соҳасига ҳам ана шундай салоҳиятли ёшлар кириб келаётганини таъкидлаш лозим. Зеро, билимдон кадрлар янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий қурувчиси, келажаги ва фаровонлигини таъминлай оладиган мустаҳкам кучдир.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№66-67 (517-518) 2021 йил 17 август



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 июлдаги “Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида “Намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-427-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:**

# “Қишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси

**2021 йилда Ўзбекистон Республикаси бюджет маблағлари ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармасининг қарз маблағлари ҳисобидан қишлоқ жойларидаги уй-жой объектларида ичимлик сув тармоқлари ва оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади**

**№ КФР- 2021-05**

**Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2021 йил 17 август.**

1. Ўзбекистон Республикаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда ҚАИТЖ) ўртасида имзоланган №1024 сонли қарз келишувига асосан “Намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳасини амалга ошириш бўйича ва қарз маблағларидан фойдаланиш мақсадида, лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларида ичимлик сув тармоқлари ва оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш бўйича тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга ва ҚАИТЖ харидлар бўйича тартиб қоидалари ва тамойилларига мувофиқ ўтказилади. “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК (“Буюртмачи”) ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларининг қуйида келтирилган Лотлар бўйича ичимлик сув тармоқлари ва оқова сув (канализация) тармоқлари қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

**Қурилиш муддати –** 5 (беш) ойни ташкил этади.

А) Андижон вилоятининг қишлоқ жойларида жами 2 дона 200м³ ҳажмдаги резервуар ва 2,874 км ичимлик сув тармоқларини қуриш (**қурилиш муддати –** 5 (беш) ойни ташкил этади).

Б) Бухоро вилояти, Ғиждувон туманининг қишлоқ жойларида 1 дона 50 м³ ҳажмдаги насос станцияси, ва 0,295 км ичимлик сув ҳамда 2,849 км оқова сув тармоқларини қуриш (**қурилиш муддати –** 5 (беш) ойни ташкил этади).

В) Наманган вилоятининг қишлоқ жойларида жами 3 дона 25-50 м³ ҳажмдаги сув иншооти (башня) қуриш, 3 дона 300м³ - 500м³ ҳажмдаги резервуар ва 3 дона қудуқ (скважина) ҳамда 23,851 км ичимлик сув ва 5,318 км оқова сув тармоқларини қуриш (**қурилиш муддати –** 5 (беш) ойни ташкил этади).

Г) Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида жами 8 дона 50 м³ ҳажмдаги сув иншооти (башня) қуриш, 2 дона 50 м³ - 100 м³ ҳажмдаги резервуар ва 9 дона қудуқ (скважина) ҳамда 7,183 км ичимлик сув тармоқларини қуриш (**қурилиш муддати –** 5 (беш) ойни ташкил этади).

2. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга ва ҚАИТЖ харидлар бўйича тартиб қоидалари ва тамойилларига мувофиқ ўтказилади ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган қўлланмага асосан янги тартибга мувофиқ рейтинг тизимига кирган **“СС” ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган** барча иштирокчилар учун очиқ.

3. Янги тартибга мувофиқ ичимлик ва оқова сув (канализация) тармоқлари қурилишида рейтинг тизимига кирган **“СС” ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган** қурилиш ташкилотлари тендер савдоларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

**4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин:**

| Андижон вилояти | Бухоро вилояти |
|---|---|
| **Манзил:** Андижон шаҳри, Навоий кўчаси, 30. **Телефон:** 74-223-57-05. **Факс:** 74-223-57-05. | **Манзил:** Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 6. **Телефон:** 65-223-96-29. **Факс:** 65-223-97-51. |
| **Наманган вилояти** | **Самарқанд вилояти** |
| **Манзил:** Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 22. **Телефон:** 69-227-94-30. **Факс:** 69-227-91-47. | **Манзил:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-“д”. **Телефон:** 66-233-50-76. **Факс:** 66-231-13-51. |

5. **Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзилга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилишлари мумкин:**

“_______вилояти, _________тумани, ___________ массивидаги, _________ лот ____та сув иншооти (башня), қудуқ (скважина), резервуар, насос станциясини қуриш ва ______км ичимлик сув ҳамда оқова сув (канализация) тармоқлари қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.”

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб **“СС” ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган** барча иштирокчилар томонидан, рус тилида тузилган тендер ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини олишлари мумкин. Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказининг тегишли бўлимлари банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи кейинчалик қайтариб берилмайдиган 1 БҲМ (базавий ҳисоблаш миқдори)га тенг.

**Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган:**

| Андижон вилояти | Бухоро вилояти |
|---|---|
| **Банк:** АТБ “InFinBank” Андижон шаҳар филиали **Ҳ/р:** 2021 2000 4036 4994 4001 **СТИР** 202 453 348 **МФО** 01114 | **Банк:** АТИБ “Ипотека-банк” Бухоро филиали **Ҳ/р:** 2021 0000 9035 5090 9001 **СТИР** 202 435 424 **МФО** 00119 |
| **Наманган вилояти** | **Самарқанд вилояти** |
| **Банк:** АКБ “Hamkorbank” Юксалиш филиали **Ҳ/р:** 2021 0000 8031 9675 2001 **СТИР** 202 393 842 **МФО** 00992 | **Банк:** АТБ “Алоқабанк” Самарқанд филиали **Ҳ/р:** 2021 0000 8037 8332 9001 **СТИР** 202 427 054 **МФО** 00985 |

6. Барча таклифлар танлов савдолари эълон қилинган санадан бошлаб (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача) 3-бандда кўрсатилган манзил бўйича танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этилиши лозим. Таклифлар қуйидаги жадвалда (жадвалга қаранг) кўрсатиб ўтилган муддатдан олдин вилоят қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказлари томонидан қабул қилинади. Жадвалда кўрсатиб ўтилган муддатдан кеч тақдим қилинган таклифлар қабул қилинмайди. Тендер таклифларини топшириш муддати миллий байрамга тўғри келса, таклиф топшириш муддати кейинги иш кунига узайтирилади.

7. Тендер таклифини таъминлаш тўғрисидаги декларация таклифларга илова қилиниши керак. Тендер таклифларининг очилиши тендерда иштирок этувчи ташкилотларнинг вакиллари иштирокида қуйидаги жадвал бўйича тендер таклифлари тақдим этилишининг охирги кунида бўлиб ўтади.

**Таклифлар қуйидаги манзилда очилади:**

| Андижон вилояти ҳокимияти | Бухоро вилояти ҳокимияти |
|---|---|
| **Манзил:** Андижон шаҳри, Навоий кўчаси, 30. **Телефон:** 74-223-57-05.я **Факс:** 74-223-57-05. | **Манзил:** Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 6. **Телефон:** 65-223-96-29. **Факс:** 65-223-97-51. |
| **Наманган вилояти ҳокимияти** | **Самарқанд вилояти ҳокимияти** |
| **Манзил:** Наманган шаҳри, Истиқлол, 57. **Телефон:** 69-227-21-82. **Факс:** 69-227-21-82. | **Манзил:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1. **Телефон:** 66-233-25-93. **Факс:** 66-233-25-93. |

8. Белгиланган муддатдан кечикиб топширилган тендер таклифлари рад этилади ва тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**ТАКЛИФ № КФР -2021-05**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли фармонига асосан 2021 йилда Қувайт араб иқтисодий тараққиёти жамғармаси иштирокида “Намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қишлоқ жойларда муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси доирасида ичимлик сув тармоқлари ва оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш бўйича ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН**

| Лот № | Туман номи | Массив номи | Сув иншооти (башня) сони ва ҳажми (м³) | Қудуқ (скважина) сони | Резервуар сони ва ҳажми (м³) | Насос станцияси сони | Тармоқ узунлиги (км): Ичимлик суви | Тармоқ узунлиги (км): Оқова сув (канализация) | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Андижон вилояти** | | | | | **2 та 200 м³** | | **2,874 км** | | |
| КФР-88 | Хўжаобод | Хидирша | | | 2 та 200 м³ | | 2,874 | | 2021 йил 16 сентябрь, соат 11.00 |
| **Бухоро вилояти** | | | | | | 1 та 50 м³ | 0,295 км | 2,849 км | |
| КФР-89 | Ғиждувон | Тодон | | | | 1 та 50 м³ | 0,295 | 2,849 | 2021 йил 16 сентябрь, соат 11.00 |
| **Наманган вилояти** | | | **3 та 25-50 м³** | **3 дона** | **3 та 300-500 м³** | | 23,851 км | 5,318 км | |
| КФР-90 | Мингбулоқ | Пахтакор | 1 та 25 м³ | 1 дона | | | 0,307 | | 2021 йил 16 сентябрь, соат 11.00 |
| | Янгиқўрғон | Қўриқ | | | 1 та 300 м³ | | 1,332 | 0,170 | |
| | Чортоқ | Дўстлик | | 1 дона | | | 4,699 | 0,868 | |
| | Тўрақўрғон | Ўзбекистон | 1 та 25 м³ | | | | 1,927 | 0,141 | |
| КФР-91 | Поп | Миришкор | | | 1 та 500 м³ | | 5,491 | | 2021 йил 16 сентябрь, соат 11.00 |
| | Чуст | Гулзор | | | 1 та 500 м³ | | 5,967 | 2,617 | |
| КФР-92 | Учқўрғон | Деҳқонобод | 1 та 50 м³ | 1 дона | | | 0,959 | | 2021 йил 16 сентябрь, соат 11.00 |
| | Косонсой | Обод | | | | | 1,268 | 0,289 | |
| КФР-93 | Янги Наманган | Бунёдкор | | | | | 0,421 | | 2021 йил 16 сентябрь, соат 11.00 |
| | Наманган | Катта тошбулоқ | | | | | 0,397 | 0,550 | |
| | Норин | Навоий | | | | | 0,306 | 0,349 | |
| | Уйчи | Беруний | | | | | 0,777 | 0,334 | |
| **Самарқанд вилояти** | | | **8 та 50 м³** | **9 дона** | **2 та 50-100 м³** | | 7,183 км | | |
| КФР-94 | Пахтачи | Истиқлол | | | | | 1,342 | | 2021 йил 16 сентябрь, соат 11.00 |
| | Нарпай | Нарпай | | | | | 1,307 | | |
| | Каттақўрғон | А. Навоий | 1 та 50 м³ | 1 дона | | | 0,173 | | |
| | Иштихон | Шейхларкент | | | | | 0,134 | | |
| | | Митан | | | | | 0,161 | | |
| | Пайариқ | Туркибола | 1 та 50 м³ | 1 дона | | | 0,172 | | |
| КФР-95 | Жомбой | Узуновул | 1 та 50 м³ | 1 дона | | | 0,208 | | 2021 йил 16 сентябрь, соат 11.00 |
| | Оқдарё | Янгиобод | 1 та 50 м³ | 1 дона | | | 0,283 | | |
| | Қўшробод | Заркент | | | | | 0,197 | | |
| | | Булоқбоши | | | | | 0,173 | | |
| | Булунғур | Ғубдин | 1 та 50 м³ | 1 дона | | | 0,341 | | |
| КФР-96 | Самарқанд | Паррандачилик | 1 та 50 м³ | 1 дона | | | 0,317 | | 2021 йил 16 сентябрь, соат 11.00 |
| | | Паррандачилик | | | | | 0,556 | | |
| | Нуробод | Наврўз | | | 1 та 50 м3 | | 0,398 | | |
| | Пастдарғом | Фурқат | 1 та 50 м³ | 1 дона | | | 0,479 | | |
| КФР-97 | Ургут | Мерганча | | 1 дона | 1 та 100 м3 | | 0,589 | | 2021 йил 16 сентябрь, соат 11.00 |
| | Тайлоқ | Боғичинор | 1 та 50 м³ | 1 дона | | | 0,353 | | |

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар қўшимча маълумотлар олиш учун “Қишлоқ қурилиш инвест”
МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

**ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН ТАШКИЛОТЛАР, ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ҚУЙИДАГИ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШЛАРИ ЛОЗИМ:**

| Ичимлик ва сув тармоғи узунлиги (км) | Талаб этилган 3 йиллик ўртача айланма маблағ ( сўм) | Талаб этилган молиявий ресурс миқдори (сўм) | Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги 1 шартнома (сўм) | Сўнгги 3 йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³ | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³ | Сўнгги 3 йил давомида қуриб битказган ичимлик ва оқова сув (канализация) тармоқлари узунлиги п.м |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 500 000 000,0 | 200 000 000,0 | 450 000 000,0 | 900,0 | 100,0 | 600,0 |
| 2 км | 1 000 000 000,0 | 400 000 000,0 | 900 000 000,0 | 1 800,0 | 200,0 | 1 200,0 |
| 3 км | 1 500 000 000,0 | 600 000 000,0 | 1 350 000 000,0 | 2 700,0 | 300,0 | 1 800,0 |
| 4 км | 2 000 000 000,0 | 800 000 000,0 | 1 800 000 000,0 | 3 600,0 | 400,0 | 2 400,0 |


# “Fargona mulk markazi” МЧЖ

## бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб борадиган очиқ тартибда ўтказиладиган ким ошди савдога таклиф этади!

**Савдога Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 17 майдаги 09-АТ-84-сонли розилик хати ҳамда Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг 2021 йил 27 майдаги 138-сонли буйруғига асосан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

1. Фарғона тумани СЭО ва ЖСБга қарашли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 686 ОАА бўлган “Тико” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 5 605 358 сўм.

2. Фарғона шаҳар 2-сонли шифохонага қарашли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 873 QАА бўлган “ВАЗ-2121” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 3 237 899 сўм.

3. Учкўприк тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 021 МАА бўлган “Москвич-М21401” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 844 096 сўм.

4. Учкўприк тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли, 1956 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 811 NAA бўлган “ГАЗ-51” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 1 302 292 сўм.

5. Учкўприк тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 810 NAA бўлган “УАЗ-3152” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 1 659 385 сўм.

**Аукцион савдо 2021 йил 16 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб Фарғона шаҳри, Г. Фармонов кўчаси, 13-уйда жойлашган Фарғона вилояти “Агросуғурта бошқармаси” биносининг мажлислар залида ўтказилади.**

Аукцион савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 23 ва 30 сентябрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулк билан балансда сақловчининг вакили иштирокида бевосита транспорт воситаси сақланаётган жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

**Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоларидан бир кун олдин 12.00 да тўхтатилади.**

**Аукционда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши талаб этилади:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

**жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўловлар амалга оширилганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

**Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдоридаги маблағни “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 3053 3172 3016 ХАББ “Trastbank” Фарғона филиали МФО 01123 СТИР 302 134 194.

**Шунингдек, қуйидаги ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 9053 3172 3004 ХАББ “Trastbank” Фарғона филиали МФО 01123 СТИР 302 134 194.

**Тел.:** 73-244-33-88, 90-407-07-62.

*1177 рақамли гувоҳнома.*

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№66-67 (517-518) 2021 йил 17 август

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 июлдаги “Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида “Намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-427-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:**

# “Қишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси

**2021 йилда Ўзбекистон Республикаси бюджет маблағлари ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармасининг қарз маблағлари ҳисобидан қишлоқ жойларидаги уй-жой объектларида маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш ва оқова сув тармоқларини қуриш учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади**

**№ КФР- 2021-06**

**Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2021 йил 17 август.**

1. Ўзбекистон Республикаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда ҚАИТЖ) ўртасида имзоланган №1024 сонли Қарз келишувига асосан “Намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳасини амалга ошириш бўйича ва қарз маблағларидан фойдаланиш мақсадида, лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларида маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотлари (МОСТИ)ни ўрнатиш ва оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш бўйича тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга ва ҚАИТЖ харидлар бўйича тартиб қоидалари ва тамойилларига мувофиқ ўтказилади. “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК (“Буюртмачи”) ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларининг қуйида келтирилган Лотлар бўйича маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотлари (МОСТИ)ни ўрнатиш ва оқова сув (канализация) тармоқлари қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

**Қурилиш муддати** – 4 (тўрт) ойни ташкил этади.

А) Андижон вилоятининг қишлоқ жойларида жами 1 дона 250 м$^{3}$ ҳажмдаги маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотини ва 2,095 км оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш (**қурилиш муддати –** 4 (тўрт) ойни ташкил этади).

Б) Наманган вилоятининг қишлоқ жойларида жами 4 дона 50 м$^{3}$ ва 150 м$^{3}$ ҳажмдаги маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотларини ва 5,558 км оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш (**қурилиш муддати –** 4 (тўрт) ойни ташкил этади).

В) Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида жами 6 дона 50 м$^{3}$ ва 100 м$^{3}$ ҳажмдаги маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотларини ва 7 дона 50 м$^{3}$ ва 100 м$^{3}$ ҳажмдаги канализация насос станциясини ўрнатиш ҳамда 7,905 км оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш (**қурилиш муддати – 4** (тўрт) ойни ташкил этади).

2. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга ва ҚАИТЖ харидлар бўйича тартиб-қоидалари ва тамойилларига мувофиқ ўтказилади ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган қўлланмага асосан янги тартибга мувофиқ рейтинг тизимига кирган **“СС” ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган** барча иштирокчилар учун очиқ.

3. Янги тартибга мувофиқ маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотлари (МОСТИ)ни ўрнатиш ва оқова сув (канализация) тармоқларини қурилишида рейтинг тизимига кирган **“СС” ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган** қурилиш ташкилотлари тендер савдоларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

**4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзил бўйича иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин:**

| Андижон вилояти | Наманган вилояти |
|---|---|
| **Манзил:** Андижон шаҳри, Навоий кўчаси, 30. **Телефон:** 74-223-57-05. **Факс:** 74-223-57-05. | **Манзил:** Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 22. **Телефон:** 69-227-94-30. **Факс:** 69-227-91-47. |
| **Самарқанд вилояти** | |
| **Манзил:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони 2-“д”. **Телефон:** 66-233-50-76. **Факс:** 66-231-13-51. | |

5. **Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзилга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилишлари мумкин:**

“_______вилояти, _________тумани, ____________ массивидаги, _________ лот ____та маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш ва ______км оқова сув (канализация) тармоқлари қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.”

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб **“СС” ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган** барча иштирокчилар томонидан, рус тилида тузилган тендер ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини олишлари мумкин. Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказининг тегишли бўлимлари банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи кейинчалик қайтариб берилмайдиган 1 БҲМ (базавий ҳисоблаш миқдори)га тенг.

**Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган:**

| Андижон вилояти | Наманган вилояти |
|---|---|
| **Банк:** АТБ “InFinBank” Андижон шаҳар филиали **Ҳ/р:** 2021 2000 4036 4994 4001 **СТИР** 202 453 348 **МФО** 01114 | **Банк:** АКБ “Hamkorbank” Юксалиш филиали **Ҳ/р:** 2021 0000 8031 9675 2001 **СТИР** 202 393 842 **МФО** 00992 |
| **Самарқанд вилояти** | |
| **Банк:** АТБ “Алоқабанк” Самарқанд филиали **Ҳ/р:** 2021 0000 8037 8332 9001 **СТИР** 202 427 054 **МФО** 00985 | |

